

**ИСЛОМ КАРИМОВ номидаги ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА  
УНИВЕРСИТЕТИ ҲҰЗУРИДАГИ «ФАН ВА ТАРАҚҚИЁТ» ДАВЛАТ  
МУАССАСАСИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.03/30.12.2019.К/Т.03.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ИСЛОМ КАРИМОВ номидаги ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА  
УНИВЕРСИТЕТИ ҲҰЗУРИДАГИ «ФАН ВА ТАРАҚҚИЁТ» ДАВЛАТ  
МУАССАСАСИ**

**ҚҰРБОНОВ ЗАВҚИДДИНЖОН ҲАМИДУЛЛОЕВИЧ**

**ЦЕМЕНТ АСОСИДА КЕРАМИК ПЛИТКАЛАРНИ ТЕРИШ УЧУН  
СУВДА ЭРУВЧАН ПОЛИМЕРЛАРДАН ФОЙДАЛАНИБ  
КОМПОЗИЦИОН ЕЛИМЛАШ АРАЛАШМАЛАРНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ**

**02.00.07-Композицион, лок-бүёқ ва резина материаллари кимёси ва технологияси  
(техника фанлари)**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БҮЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2025**

**УДК: 691.327+693.74**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертация автореферати мундарижаси**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)**

**Курбанов Завқиддинжон Ҳамидуллоевич**

Цемент асосида керамик плиткаларни териш учун сувда эрувчан полимерлардан фойдаланиб композицион елимлаш аралашмаларни ишлаб чикиш.....

**Kurbanov Zavkiddinjon Hamidulloyevich**

Development of a composition of composite adhesive mixtures for laying ceramic tiles based on cement using water-soluble polymers.....

**Kurbanov Zavkiddinjon Hamidulloyevich**

Development of a composition of composite adhesive mixtures for laying ceramic tiles based on cement using water-soluble polymers.....

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works.....

**ИСЛОМ КАРИМОВ номидаги ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА  
УНИВЕРСИТЕТИ ҲҰЗУРИДАГИ «ФАН ВА ТАРАҚҚИЁТ» ДАВЛАТ  
МУАССАСАСИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.03/30.12.2019.К/Т.03.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ИСЛОМ КАРИМОВ номидаги ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА  
УНИВЕРСИТЕТИ ҲҰЗУРИДАГИ «ФАН ВА ТАРАҚҚИЁТ» ДАВЛАТ  
МУАССАСАСИ**

**ҚҰРБОНОВ ЗАВҚИДДИНЖОН ҲАМИДУЛЛОЕВИЧ**

**ЦЕМЕНТ АСОСИДА КЕРАМИК ПЛИТКАЛАРНИ ТЕРИШ УЧУН  
СУВДА ЭРУВЧАН ПОЛИМЕРЛАРДАН ФОЙДАЛАНИБ  
КОМПОЗИЦИОН ЕЛИМЛАШ АРАЛАШМАЛАРНИ ИШЛАБ ЧИКИШ**

**02.00.07-Композицион, лок-бүйек ва резина материаллари кимёси ва технологияси  
(техника фанлари)**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БҮЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2025**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертация мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар Вазирлиги хузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2025.1.PhD/T\_\_\_\_\_ рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Ислом Каримов номидаги Тошкент давлат техника университети «Фан ва тараққиёт» давлат унитар корхонасида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида ([www.gupft.uz](http://www.gupft.uz)) ва «Ziyonet» Ахборот-таълим порталаида ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Талипов Нигматулла Хамидович**  
техника фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Юлчиева Сурайё Бахромовна**  
техника фанлари доктори, к.и.х.

**Негматова Комила Сайибжановна**  
техника фанлари доктори, профессор.

**Етакчи ташкилот:**

**Тошкент кимё-технология институти**

Диссертация ҳимояси Ислом Каримов номидаги Тошкент давлат техника университети «Фан ва тараққиёт» ДУК хузуридаги DSc.03/30.12.2019.K/T.03.01 рақамли Илмий кенгашнинг 202\_\_ йил «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ соат 14<sup>30</sup> даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Мирзо Ғолиб кўчаси, 7а-уй. Тел.: (99871) 246-39-28; факс: (99871) 227-12-73; e-mail: [www.gupft.uz](http://www.gupft.uz) «Фан ва тараққиёт» ДУК биноси, 2-қават, анжуманлар зали).

Диссертация билан «Фан ва тараққиёт» ДУКнинг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№2-24-рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Мирзо Ғолиб кўчаси, 7а-уй. Тел.: (99871) 246-39-28; факс: (99871) 227-12-73).

Диссертация автореферати 202\_\_ йил «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.  
(2024 йил «26» январдаги №2-24 -рақамли реестр баённомаси).

**С.С.Негматов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, ЎзР ФА академиги, т.ф.д. проф.

**М.Э. Икрамова**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, т.ф.д., к.и.х.

**А.М. Эминов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, т.ф.д., проф.

**Кириш (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти.** Жаҳонда бинолар ва иншоотларнинг ташқи ва ички деворларини плиткалар билан қоплаш учун цемент боғловчиси ва модификация қилувчи қўшимчалар кўшилган плитка териш учун елимлаш аралашмаларининг арzon ва сифатли таркибларига бўлган эҳтиёж кун сайн ортиб бормоқда. Бу борада, жумладан керамик плиткаларни териш учун мўлжалланган қопламанинг технологик ва эксплуатация хусусиятларини ошириш мақсадида, қуруқ аралашманинг таркибига қотиш тезлигини ошириш ва сирпанишга чидамлилигини кучайтиришга ёрдам берувчи маҳсус қўшимчаларни керакли миқдорларда киритиш ва уларни ишлаб чиқариш харажатларини камайтириш ҳамда сувда эрувчан полимерлардан фойдаланиб, композицион елим аралашмаларини самарали таркибларини ишлаб чиқариш муҳим аҳамият касб этади.

Дунёда комплекс хусусияти жиҳатидан барча талабларга жавоб берадиган янги структурадаги модификацияланган кам сув талаб қилувчи цемент-полимер асосидаги композицион елимлаш аралашмаларини бино ва иншоотларни пардозлашда керамик плиткаларни териш учун қўлланиладиган янги таркибларини ишлаб чиқиш учун янги усул ва замонавий технологияларини яратиш ва ишлаб чиқариш мақсадида илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Бу борада, жумладан, юқори сифатли кам сув талаб қилувчи композицион цемент-полимер асосида елимлаш аралашмаларини ишлаб чиқариш учун янги турдаги полимерлардан фойдаланиш, кам сув талаб қилувчи композицион цемент-полимер боғловчиси ва улар асосидаги елимлаш аралашмаларнинг адгезион мустаҳкамлигини оширувчи композицияларнинг оптимал таркибини яратиш, физик-механик ва технологик хоссаларини аниқлаш, уларга таъсир этувчи ташқи омиллар билан ўзаро таъсир механизмини тадқиқ қилиш ҳамда самарали кам сув талаб қилувчи композицион цемент-полимер боғловчиси асосидаги елимлаш аралашмаларини ишлаб чиқишининг такомиллашган ресурстежамкор технологиясини яратиш ва ишлаб чиқиш катта аҳамиятга эга.

Республикамида айнан қурилиш соҳасида ишлаб чиқарилаётган ва қўлланилаётган қурилиш материаллари кенг кўламли бўлиб, ишлаб чиқарилаётган қурилиш материалларининг тахминан 40 фоизи елимлаш аралашмаси ҳиссасига тўғри келади. Шу сабабли кўплаб тадқиқотчиларнинг, шу жумладан, мамлакатимизда ва хорижда олиб бораётган изланишлари қурилиш материаллари таркиби ва технологиясини такомиллаштиришга қаратилган. Қурилиш материалларининг хусусиятларига ва оптимал рецептурасига қўлланилаётган минерал боғловчи моддаларнинг ва технологик омилларнинг таъсирини ўрганишдаги етарлича чуқур тадқиқотларни инобатга олган ҳолда, бу йўналишда янги техник ютуқларга, айниқса тез қотувчи турларнинг салоҳиятидан тўлиқроқ фойдаланиш асосида эришиш мумкин. Янги Ўзбекистонни янада ривожлантириш бўйича тараққиёт стратегиясида «...миллий иқтисодиёт барқарорлигини таъминлаш ва ялпи ички маҳсулотда саноат улушкини оширишга қаратилган саноат сиёсатини давом эттириб,

саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш...»<sup>1</sup> бўйича муҳим вазифалар белгилаб берилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 4 майдаги №ПҚ-3696-сон «Ички бозорда қурилиш материаллари билан барқарор таъминлаш учун қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида», 2019 йил 20 февралдаги №ПҚ-4198-сон «Қурилиш материаллари саноатини тубдан такомиллаштириш ва комплекс ривожлантириш чоралари тўғрисида», 2019 йил 23 майдаги №ПҚ-4335-сон «Қурилиш материаллари саноатини ривожлантиришни тезлаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» қарорлари ҳамда ушбу соҳада қабул қилинган бошқа норматив-хукуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни бажаришга қисман хизмат қиласди.

**Тадқиқотниң республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VII. «Кимёвий технологиялар ва нанотехнологиялар» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Дунё амалиётида қурилиш соҳасида цемент-полимер асосидаги елимлаш аралашмаларини ишлаб чиқариш, уларнинг хусусиятларини ўрганиш ва ишлаб чиқариш технологиясини яратиш бўйича хорижий ва маҳаллий олимлар ўзларининг улкан хиссасини қўшганлар: Корнеев В.И., Калашников В.И., Раҳимбаев Ш.М., Табачник Л.Б., Федулов А.А., Батраков В.Г., Воячек А.И., Пустовгар А.П., Зозуля П.В., Низина Т.А., Лесовик В.С., Загороднюк Л.Х., Талипов Н.Х., Туляганов А.А. ва бошқалар.

Мавжуд адабиётларни тахлил қилиш асосида кам сув талаб қиласидан цемент ва модификация қилувчи полимер қўшимчалар ёрдамида цементли елимлаш аралашмалар турини кенгайтириш муаммоси ханузгача батафсил ёритилмаган. Кам сув талаб қилувчи цемент-полимер ва модификацияловчи қўшимчалар асосий компонент сифатида қўлланилиши қопламаларнинг ёпишиш(адгезион) мустаҳкамлигини, декоратив керамик ва мармар плиталарнинг сирпанишга чидамлилигини оширишга, шунингдек, қотиш ва қаттиқлашиш жараёнларини қисқартиришга ёрдам беради. Мазкур диссертация иши ана шу муаммоларни хал қилишга бағишлиланган.

**Тадқиқотниң диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Жиззах вилояти ҳудудий инновация фаолияти технологиялар трансфери маркази илмий-тадқиқотлар режасига мувофиқ №И-ОТ-2022-3-сонли “Минерал қўшимчалар асосида хоссалари яхшиланган цемент олиш” мавзусидаги инновацион лойиха доирасида бажарилган.

**Тадқиқотниң мақсади** цемент асосида керамик плиткаларни териш учун сувда эрувчан полимерлардан фойдаланиб композицион елимлаш аралашмаларни ишлаб чиқишдан иборат.

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараккиёт стратегияси тўғрисида”ги 2022 йил 28 январдаги №ПФ-60-сонли Фармони

## **Тадқиқотнинг вазифалари:**

кам сув талаб қилувчи елимлаш аралашмаларини ишлаб чиқаришда қўлланиладиган хом ашёларнинг асосий физик-кимёвий ва физик-механик хоссаларини ўрганиш;

цемент асосидаги елимлаш аралашмаларини янги самарали таркибини яратишда кам сув талаб қилувчи цемент-полимердан фойдаланиш устуворлигини асослаб бериш;

цемент асосидаги композицион аралашмаларда модификацияловчи қўшимчаларнинг қотиш жараёнига таъсирини аниқлаш;

ишлаб чиқилган цемент асосидаги композицион елимлаш аралашмасининг адгезион хоссаларини аниқлаш;

керамик плиткаларни териш учун цемент асосидаги елимлаш аралашмаларининг қурилиш-техник ва эксплуатацион хоссаларини аниқлаш;

модификацияловчи қўшимчалардан фойдаланиб кам сув талаб қилувчи цемент-полимер асосида елимлаш аралашмаси ишлаб чиқаришнинг технологик схемасини ишлаб чиқиш;

кам сув талаб қилувчи цемент-полимер асосидаги керамик плиткаларни териш учун елимлаш аралашмаларини модификацияловчи қўшимчалар ёрдамида ишлаб чиқаришнинг техник-иқтисодий самарадорлигини аниқлаш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида портландцемент, кварц қуми, кальций карбонат кукуни (микрокальцит), сўндирилган охак ва бошқа модификацияловчи қўшимчалар (модификаторлар) олинган.

**Тадқиқотнинг предметини** кам сув талаб қилувчи цемент-полимер асосидаги модификацияланган цементли-полимер аралашмасининг самарали таркибини, уларнинг яхшиланган қурилиш-техник кўрсаткичларини, яъни адгезион хоссалари, мустаҳкамлиги ва сувга чидамлилигини, шунингдек, физик-механик хоссаларини ва уларни қўллаш самарадорлигини аниқлаш ташкил этади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертация ишини бажаришда материалларнинг физик-механик хоссаларини аниқлаш ва кам сув талаб қилувчи цемент-полимер асосидаги елимлаш аралашмаларининг қурилиш-техник хоссаларини аниқлашнинг анъанавий усуллари: рентгенография, петрография, электрон микроскопик таҳлил усулларининг экспериментал натижалари физик-кимёвий таҳлил қилинган.

## **Тадқиқотнинг илмий янгилиги қўйидагилардан иборат:**

модификацияловчи қўшимчалардан фойдаланган ҳолда кам сув талаб қилувчи цемент-полимерли елимлаш аралашмаларининг оптималь таркиби ишлаб чиқилган;

цемент асосли композицион елимлаш аралашмаларига модификацияловчи қўшимчалардан қўшиш орқали қотиш жараёни механизми асосланган;

цемент асосли елимлаш аралашмалари таркибига модификацияловчи қўшимчалар қўшилганда аралашманинг адгезион мустаҳкамлигини 1,5 марта ортиши аниқланган;

ишлиб чиқилган таркиб ёрдамида керамик плиталар учун кам сув талаб қилувчи цемент-полимер асосида елимлаш аралашмаларининг тез қотувчани юқори адгезион хоссага эгалиги ва силжишга бардошлилиги асосланган;

танланган таркиб бўйича кам сув талаб қилувчи цемент-полимер асосли елимлаш аралашмаларини ишилб чиқаришнинг технологик схемаси ишилб чиқилган;

модификацияловчи қўшимчалардан фойдаланиб, умумий мустаҳкамлиги 25-30% га teng бўлган цемент-полимер асосидаги елимлаш аралашмаларини ишилб чиқаришнинг иқтисодий самарадорлиги аниқланган.

### **Тадқиқотнинг амалий натижалари қўйидагилардан иборат:**

кам сув талаб қилувчи цемент-полимер ва сувда эрувчан полимер қўшимчаларга асосланган юқори адгезион мустаҳкамликга эга ва тез қотувчи цемент-полимер асосли композицион елим аралашманинг самарали таркиби ишилб чиқилди;

кам сув талаб қилувчи цемент-полимер асосли композицион елим аралашмасини олиш технологияси ишилб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** кам сув талаб қилувчи цемент-полимер ва сувда эрувчан полимерларга асосланган модификацияланган цемент-полимер қурилиш аралашмаларининг оптимал таркибини комплекс ўрганиш бўйича замонавий физик-механик ва физик-кимёвий таҳлил усуллари ёрдамида ўтказилган бир нечта лаборатория ва саноат тажрибалари натижалари билан асосланган.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки, модификацияловчи қўшимчалар асосида ҳамда модификацияланган цемент-полимер асосида елимлаш аралашмаларининг кимёвий, физик-кимёвий ва физик-механик хусусиятлари (босимга чидамлилик, сирт билан ёпишиш (адгезион) мустаҳкамлиги, қотиш вақти ва совук бардошлилиги) ва уларнинг технологик хусусиятлари ўртасидаги боғлиқликлар аниқланган.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, маҳаллий табиий ва иккиласми ресурслар ҳамда сувда эрувчан полимерлардан фойдаланиш асосида кам сув талаб қилувчи цемент-полимер елимлаш аралашмалари ишилб чиқилди; керамик плиткалар, шунингдек, иссиқлик изоляция материаллари учун тез қотувчи кам сув талаб қилувчи цемент-полимер елимлаш аралашмаларининг таркиби ва ишилб чиқариш технологияси таклиф қилинди.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Цемент асосида керамик плиткаларни териш учун сувда эрувчан полимерлардан фойдаланиб композицион елимлаш аралашмаларни ишилб чикиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

кам сув талаб қилувчи цемент-полимер ва сувда эрувчан полимерлар асосидаги тез қотувчи цемент-полимер елимлаш аралашмаларини олиш технологияси «ВМАХ BUILDING MATERIALS» МЧЖ ҚҚ корхонасида амалиётга жорий этилган («Ўзбекистон қурилиш материаллари саноати корхоналари уюшмаси» нинг 2024 йил 27 декабрдаги №02/15-4100 – сонли

маълумотномаси). Натижада, 90 минутда қотадиган цемент-полимер елимлаш аралашмаларини верикал юза билан бирикиш мустаҳкамлигини эса 1,65 МРа га ошириш имкониятини берган;

кам сув талаб қилувчи цемент-полимер ва сувда эрувчан полимерлар асосидаги тез қотувчи цемент-полимер елимлаш аралашмаларининг оптимал таркиби «ВМАХ BUILDING MATERIALS» МЧЖ ҚҚ корхонасида амалиётга жорий этилган («Ўзбекистон қурилиш материаллари саноати корхоналари уюшмаси» нинг 2024 йил 27 декабрдаги №02/15-4100 – сонли маълумотномаси). Натижада, цемент-полимер елимлаш аралашмаларини оқувчанлиги 9,2 см, сувни ушлаб туриш кўрсаткичини эса 98,5% га ошириш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари 8 та анжуманларда, хусусан 4 та республика ва 4 та халқаро илмий-амалий анжуманларда маъруза қилинган ва муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганини.** Диссертация мавзуси бўйича жами 15 та иш эълон қилинган. Шулардан 7 та илмий мақола бўлиб, улар Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан тавсия қилинган илмий нашрларда 4 та республика ва 3 та хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация тузилиши кириш, тўрт боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловадан иборат. Диссертация ҳажми 109 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари тавсифланган, обьекти ва предмети белгиланган, тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикасида фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, олинган натижаларнинг илмий янгилиги ва амалий аҳамияти баён қилинган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиш натижалари келтирилган, натижаларнинг апробацияси, чоп этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг “Минерал боғловчилар асосида ва қукунли полимер қўшимчаларидан фойдаланиб пардозлаш аралашмалари ишлаб чиқаришнинг ҳозирги ҳолати” деб номланган биринчи бобида, гидравлик боғловчи моддалар асосидаги қуруқ композицион қурилиш аралашмалари ишлаб чиқариш бўйича нашр этилган ишлардан муҳокама ва таҳлил натижалари келтирилган. Ушбу аралашмалар сувда эрувчан модификаторлардан фойдаланган ҳолда керамиқ, мармар плиткалар ва иссиқлик изоляция материаллари учун ишлатилади.

Адабиёт маълумотларини танқидий таҳлил қилиш асосида портландцемент, минерал тўлдирувчилар ва модификацияловчи қўшимчаларга асосланган қуруқ композицион елимлаш аралашмаси таркиби

ва технологиясини ишлаб чиқиши бўйича тадқиқотларнинг асосий йўналишлари аниqlанган.

Диссертациянинг “Хом ашё материалларнинг кимёвий-минералогик, физик-кимёвий хоссалари ва тадқиқот усуслари” деб номланган иккинчи бобида, унда тадқиқот объектларини танлаш ва уларни асослаш таърифланган. Бу бобда керамик, мармар плиткалар ва иссиқлик изоляция материалларини териш учун модификацияланган цементли елимлаш аралашмасининг таркибини яратишга қаратилган экспериментал тадқиқот усуслари келтирилган.

Керамик плиткалар учун кам сув талаб қилувчи цемент-полимер елимлаш аралашмаси таркибини ишлаб чиқишида дастлабки материаллар сифатида қуйидагилар қўлланилди: умумий қурилиш учун портландцемент (ГОСТ 31108-2020 талабларига мувофиқ), кукун шаклидаги сўндирилган оҳак (ГОСТ 9179-2018 талабларига мувофиқ), микрокалтсит (ГОСТ 56775-2015), кварц қуми (ГОСТ 22551-2019). Қўшимчалар сифатида "Полипласт СП-1" суперпластификатори ва сувда эрувчан полимер қукуни (РПП) "ELOTEX Seal-74" ишлатилди.

Маҳаллий хомашё материалларини керамик плиткаларни териш учун мўлжалланган кам сув талаб қилувчи цемент-полимер елимлаш аралашмаси ишлаб чиқишида қўллаш имконияти ва тажриба-синов тадқиқотлари ўтказиш усуслари таҳлил қилинган ва асослаб берилган.

Диссертациянинг “Керамик плиткалар учун цемент асосидаги елимлаш аралашмаларини тайёрлашда кам сув талаб қилувчи цемент-полимер таркибини ва хоссаларини ўрганиш” деб номланган учинчи бобида, цемент матрицасининг механо-кимёвий активация қилиш усули ёрдамида, майда дисперсли карбонат қўшимчалари ва суперпластификаторлардан фойдаланган ҳолда кам сув талаб қилувчи цемент-полимер ишлаб чиқариш технологиясини ишлаб чиқиши бўйича тадқиқот натижалари келтирилган.

Кам сув талаб қилувчи цемент-полимер Жиззах цемент заводининг ЦЕМ I 32,5Н Д0 маркали портландцементини, оҳактош карерининг карбонатли чиқиндиси ва қукусимон суперпластификатор иштироқида интенсив механо-кимёвий ишлов бериш орқали олинди. Материалнинг механо-кимёвий активация жараёни ҳажми 50 литр бўлган икки камерали шарли тегирмонда амалга оширилди. Компонентлар нисбатлари ва кам клинкерли цементнинг хисобий минералогик таркиби 1-жадвалда келтирилган.

1-жадвал


#### Компонентлар нисбати ўзгариши натижасида кам сув талаб қилувчи цемент-полимернинг минераллар таркибидаги ўзгариш

№	Таркиб, мас. %			Минералогик таркиб, масс %				
	Порландцемент	Тўлдирувчи	СП -1	C <sub>3</sub> S	C <sub>2</sub> S	C <sub>3</sub> A	C <sub>4</sub> AF	CaCO <sub>3</sub>
1	100,0	-		57,13	12,00	6,40	14,20	-
2	95,0	5,0	0,75	52,27	11,40	6,08	13,49	5,0

3	90,0	10,0		51,41	10,80	5,76	12,78	10,0
4	85,0	15,0		48,56	10,20	5,44	12,07	15,0
5	80,0	20,0		45,70	9,60	5,12	11,36	20,0
6	75,0	25,0		42,84	9,00	4,80	10,65	25,0
7	70,0	30,0		39,99	8,40	4,48	9,94	30,0
8	65,0	35,0		37,13	7,80	4,16	9,23	35,0




Ушбу жадвалда кам сув талаб қилувчи цемент-полимер таркибининг портландцемент, тўлдирувчи ва суперпластификатор (СП-1) нисбати ўзгариши билан қандай ўзгариши кўрсатилган.

Механо-кимёвий активация жараёнини ўрганиш шуни кўрсатди, 60 дақиқа давомида карбонатли микротўлдирувчи ва суперпластификатор миқдори 0,75 % га етказилганда, кам сув талабчанликка эга цементнинг солиштирма сирт юзаси  $5000 \text{ см}^2/\text{г}$  га етади. Цемент таркибига қўшимча қилинадиган суперпластификаторнинг оптималь миқдори боғловчи модда оғирлигининг 0,75 % ни ташкил этиши аниқланди. Олинган цемент композицияларининг фазавий таркиби рентгенофаза таҳлили ёрдамида ўрганилди. 1-расмда 30 % карбонатли микротўлдирувчи ва 0,75 % "Полипласт СП-1" суперпластификатори таркибига эга кам сув талаб қиласидиган цемент-полимернинг дифрактограммаси келтирилган.



## **1-расм. Кам сув талаб қилувчи цемент-полимернинг рентгенофаза таҳдили**


Дифрактограммадан күриниб турибдики, портландцемент, карбонатли микротүлдирувчи ва суперпластификаторнинг механо-активацияси ёрдамида олинган кам сув талаб қилувчи цемент-полимер асосан қуийдаги минераллардан иборат:  $C_3S$  (д/н = 0,296; 0,260; 0,218; 0,192; 0,176 нм), белит- $C_2S$  (д/н = 0,385; 0,277; 0,272; 0,260; 0,208 нм),  $C_3A$  (д/н = 0,273; 0,269; 0,216; 0,202; 0,192; 0,154 нм),  $C_4AF$  (д/н = 0,269; 0,264; 0,218; 0,204; 0,192; 0,182 нм),  $2CaOAl_2O_3 SiO_2$  (д/н = 0,371; 0,306; 0,285; 0,240; 0,204; 0,172; 0,152; 0,137 нм) ва оз миқдорда  $SiO_2$  (д/н = 0,334; 0,181; 0,153; 0,137; 0,107 нм) ҳамда кальций карбонат (д/н = 0,304; 0,207; 0,148 нм) мавжуд.





**2-расм. Кам сув талаб қилувчи цементнинг 1, 3, 7, 28 кунлик ва 3, 6 ойлик қотиш давомида юзасининг (рельефи) ўзгариши (SEM-EVO MA 10 турдаги элемент анализаторли EDX маркали сканерловчи энергия дисперсион микроскопи)**

Ўтказилган лаборатория тадқиқотлари асосида аниқланишича, суперпластификатор микдорини ошириш билан сув-цемент (С/Ц) нисбати 25–27 % га камаяди. С/Ц нисбатининг пасайиши қотиш вақтини тезлаштиришга олиб келади (3-расм).



**3-расм. Кам сув талаб қилувчи цемент-полимернинг қотиш вақтига суперпластификаторнинг таъсири**

Суперпластификаторнинг ишлаб чиқилган таркибларнинг физик-механик ва реологик хусусиятларига таъсирини аниқлаш учун сувнинг турли нисбатларида аралашмалар тайёрланди. Тадқиқот натижаларига кўра, суперпластификатор қўлланиши билан кам сув талаб қиласидиган цементнинг сув-цемент (С/Ц) нисбати кескин камаяди. Шу билан бирга, 8-12 см ишлатилувчанликка (нормал қуюқлик) эга аралашмани олиш учун (С/Ц нисбати 0,31–0,32 ни ташкил қилди. Шунингдек, тўлдирувчи микдори ортиши билан аралашмада донадор структура ҳосил бўлиши аниқланган. Қотган аралашмалар зичлигини аниқлаш учун тайёрланган аралашмалардан 40x40x160 мм ўлчамдаги намуна тайёрланди, улар 1 сутка давомида ҳавода қуритилди ва зичлиги аниқланди.

Ўтказилган лаборатория тадқиқотлари шуни кўрсатдики, майда дисперсли минерал тўлдирувчилар ва суперпластификатор кам сув талаб қилувчи цемент-полимер ва унинг асосидаги аралашмаларнинг реологик ва структуравий-механик хусусиятларини яхшилайди. Реологик хусусиятларни ўрганиш бўйича лаборатория тадқиқот натижаларига кўра, карбонат тўлдирувчи ва органик қўшимча цемент ва аралашмаларнинг сув

талаабчанлигини камайтиради. Тадқиқот натижалари шуни кўрсатдики, сув талаабчанликнинг ўзгариши минерал хом ашёнинг табиати ва унинг дисперслигига, шунингдек, суперпластификатор микдорига боғлик.

Ўтказилган лаборатория тадқиқотлари асосида аниқланишича, сув қўшилгандан кейин боғловчи модда ва карбонат тўлдирувчи ўртасидаги кимёвий ўзаро таъсир турли тезликда кечади, бу эса гидратланган цемент мономинералларида кимёвий боғланган сув микдори билан баҳоланади. Карбонатли цементнинг гидратация тезлигини аниқлаш учун кам сув талааб қилувчи цемент-полимер ва оддий портландцемент (ЦЕМ I 32,5Н Д0) намуналарида кимёвий боғланган сув микдори 1, 3, 7 ва 28 кун давомида нормал шароитларда қотиш жараёнида ўлчанди.

Елимлаш аралашмасининг қотиш жараёни кинетикасини ўрганиш шуни кўрсатдики, кам сув талааб қилувчи цемент-полимердан тайёрланган аралашмалар оддий портландцемент ЦЕМ I 32,5Н Д0 га қараганда сув билан тезроқ ўзаро таъсирга киришади. Композиция таркибида суперпластификаторнинг мавжудлиги цемент-карбонат композициясида асосланган аралашманинг қотиш жараёнини тезлаштиради.

Ўтказилган экспериментал тадқиқотлар асосида аниқланишича, таркибида 25,0-30,0 % майда дисперсли минерал тўлдирувчи ва 0,50-0,75 % органик қўшимчалар мавжуд цементлар учун сув-цемент (С/Ц) нисбати камаяди, аралашманинг суюқлиги ошади ва зичроқ бўлади, бу эса мустаҳкамликни оширишга олиб келади.

Тадқиқотлар шуни кўрсатдики, цементнинг кам сув талааб қилиши сабабли цемент хамирининг ҳажми бир хил микдорда оддий портландцементга нисбатан сезиларли даражада кичикроқ бўлади, бу эса цемент тошидаги бўшлиқни тўлдиришни таъминламаслиги мумкин.


Аниқланишича, композицион елимлаш аралашмаси юқори қовушқоқликка, сезиларли тиксотропик суюқликка эга бўлиб, аралашма тайёрлашда юқори даражада зичлашиш хусусиятларига эга.

Аниқланишича, олинган боғловчи моддалар қотиш жараёни бир хил ҳаракатчанликка эга бўлган, пластификатор қўшилган оддий аралашмаларнинг қотиш кинетикасидан сезиларли даражада фарқ қиласи. Тадқиқот натижаларига кўра, лаборатория намуналари нормал шароитда 16 соат қотгандан кейин кам сув талааб қилувчи цемент-полимер (КСТЦ) билан тайёрланган материал 15-25 МПа, 1 суткада эса 20-30 МПа мустаҳкамликка эга бўлади. Микроскопик тадқиқотлар шуни кўрсатдики, (КСТЦ) асосидаги қотган материал нисбатан паст ғовакликга эга ва катта капилляр бўшлиқлар йўқлиги аникланди.

Физик-механик хусусиятларни аниқлаш натижалари шуни кўрсатдики, солиштима юзанинг ( $S_{io}$ ) 5000 см<sup>2</sup>/г дан ортиши композицион цементнинг барча қотиш даврларида фаоллигини оширади.  $S_{io}$  5000 дан 6000 см<sup>2</sup>/г гача ошиши цемент фаоллигини 15-25% га оширади. Бироқ,  $S_{io}$  5500 см<sup>2</sup>/г га яқинлашганда, асосан, дастлабки мустаҳкамлик ошади, аммо 28 кунлик даврда цемент фаоллиги бироз камайиши мумкин. Шу сабабли, боғловчи моддани

юқори даражада майдалаш фақат юқори дастлабки мустаҳкамликни таъминлаш учун мақсадга мувофиқдир.

Ўтказилган экспериментал тадқиқотлар асосида кам сув талаб қилувчи цемент-полимерни ишлаб чиқариш учун технологик схема ишлаб чиқилди, бу цемент-полимер елимлаш аралашмасини ишлаб чиқаришда қўлланилади (4-расм).



1 - портландцемент учун бункер; 2 - карбонат микротўлдирувчи учун бункер; 3 - суперпластификатор учун бункер; 4 - дозаторлар; 5 - винтли транспортёр; 6 - шарли тегирмон қабул бункери; 7 - шарли тегирмон.

#### 4-расм. Кам сув талаб қилувчи цемент-полимер ишлаб чиқариш технологик схемаси

Цемент-карбонат аралашмаси таркибига органик қўшимчалар қўшилган ҳолда активация жараёнини ўрганиш бўйича ўтказилган тадқиқотлар асосида тўлдирувчи-карбонат жинс (оҳактош)ни майдалаш жараёнини интенсификация қилиш имконияти аниқланди.

Ўтказилган физик-кимёвий тадқиқотлар асосида аниқландики, карбонат жинсини СП-1 қўшимчаси билан майдалаш жараёнида  $\text{CaCO}_3$  нинг майда заррачалари (5 мкм гача) улуши 65% га этиши ва йирик ва ўртacha улчамдаги заррачалар улуши камайишига олиб келиши аниқланди. Заррачаларнинг ўлчамлари бўйича бундай фарқ портландцемент ва карбонат тўлдирувчи кукунларини бирлаштиришда ижобий таъсир этиши ўрганилди.

Структуравий хусусиятларни ўрганиш шуни кўрсатдики, карбонат тўлдиручининг майда заррачалари цемент заррачалари орасидаги ҳажмли “бўшлиқлар”ни тўлдиради, бу эса қотган материалнинг зич структурасини ҳосил қилиши ва уларнинг умумий зичлиги ва мустаҳкамлик хусусиятларини оширишга олиб келди.

Гидравлик боғловчи асосидаги цемент-полимер елимлаш аралашмалари таркибини танлаш учун кам сув талаб қилувчи цемент-полимер, тўлдирувчи сифатида кварц қуми, сўндирилган оҳак ва модификацияловчи кимёвий қўшимчалар (сув ушловчи қўшимча—сўндирилган оҳак, суперпластификатор—Полипласт СП-1 ва сувда эрувчан полимер кукуни) ишлатилди. Тўлдирувчи сифатида кварц қуми қўлланилди. Дастлабки материалларнинг кимёвий таркиби 2-жадвалда келтирилган.

2-жадвал

#### Керамик плиткалар учун кам сув талаб қилувчи цемент-полимер асосида елимлаш аралашмасини ишлаб чиқариш учун дастлабки материалларнинг кимёвий таркиби

№	Материал	Оксидлар миқдори, масс.%								
		SiO <sub>2</sub>	Al <sub>2</sub> O <sub>3</sub>	Fe <sub>2</sub> O <sub>3</sub>	CaO	MgO	SO <sub>3</sub>	R <sub>2</sub> O	ППП	
1	*Кам сув талаб қилувчи цемент-полимер (КСТЦ)	17,35	3,78	0,88	62,10	2,08	0,58	0,27	12,98	100,0
2.	Охак пушонка	3,05	0,62	2,27	67,46	2,70	1,02	1,21	21,58	98,95,
3	Микрокальцит	4,52	2,54	4,25	44,55	1,61	0,09	1,22	39,18	97,96
4	Кварц куми	88,91	3,94	0,65	2,61	0,16	0,09	0,80	0,95	98,11

\*(КСТЦ таркиби: портландцемент 70% + 30% карбонатный микронаполнитель

Керамик плиткалар териш учун кам сув талаб қилувчи цемент-полимер елимлаш аралашмасининг фазавий таркиби рентгенофаза таҳлили ёрдамида ўрганилди.

Ўтказилган лаборатория тадқиқотлари натижасида кам сув талаб қилувчи цемент-полимер асосида керамик плиткалар териш учун ратционал таркибга эга бўлган елимлаш аралашмаси ишлаб чиқилди ва тавсия этилди.

Кам сув талаб қилувчи цемент-полимер асосидаги керамик плиткалар учун тавсия этилган (ратционал) цемент-полимер елимлаш аралашма таркиби 3-жадвалда келтирилган.

3-жадвал

### Керамик плиткаларни ётқизиш учун оптимал цемент-полимер елимлаш аралашмаси таркиби

№	Материал	1 тонна сарф, кг		
		Таркиб №1	Таркиб №2	Таркиб №3
1	Кам сув талаб қилувчи цемент-полимер	350	320	300
2	Кварц куми (донадорлиги 0,1-0,63 мм)	500	500	490
3	Сўндирилган охак (пушонка)	30	40	30
4	Микрокальцит	115	135	175
5.	Эфир целлюлоза-МГЭЦ Walocel 45/10	3,8	3,50	4,0
6	Сувда эрувчан полимер кукун-(РПП) «ELOTEX Seal 74»	1,2	1,5	1,0

Елимлаш аралашмасининг реологик ва физик-механик хусусиятларини аниқлаш учун сувнинг нисбатлари хар хил бўлган аралашмалар тайёрланди. Тадқиқот натижалари шуни кўрсатди, суперпластификатор қўлланилиши билан аралашмада сув-цемент (С/К) нисбати кескин камайишига олиб келди. Шу билан бирга, аралашманинг ёйилиши 8–12 см га teng бўлган эга аралашма олиш учун ( С/Ц) нисбати 0,30–0,32 ни ташкил этди. Шунингдек, тўлдирувчи миқдори ошиши билан аралашмада донадор структура ҳосил бўлиши аниқланди.

Тадқиқот натижалари шуни кўрсатди, ҳажмий оғирлиги (зичлик) 1250–1350 кг/м<sup>3</sup> бўлган материаллар бир хил аралашмага эга бўлиб, механик кўшимчаларсизлиги аниқланди. Аралашмани тайёрлашда С/Ц нисбати 0,30 ни ташкил этди. Ёпишқоқлик кучи бир суткадан кейин 0,33 МПа ни ташкил этди. Сув ушлаш қобилияти 98% бўлиб, 20 ± 5°C ҳароратда қуриш вақти 90–95


дақиқа бўлди. ГОСТ бўйича ўлчанган иссиқлик ўтказувчанлик коэфитсientи 0,178 Вт/м·К ни ташкил этди.

Шунингдек, аралашмалар учун сув талаби оддий портландцементга нисбатан 18-25% кам эканлиги аниқланди. Кам сув талаб қиласиган цемент асосидаги аралашмалар паст С/Ц нисбатига, юқори ҳаракатчанликка, қисқа қотиш вақтига ва қотишнинг дастлабки даврида тез мустаҳкамликка эга эканлиги ҳам аниқланди.

Цемент-полимер аралашмаларининг гидрататсия жараёнини ўрганиш шуни кўрсатдики, кам сув талаб қиласиган цемент ва полимер қўшимчалар асосидаги цемент-полимер елимлаш аралашмасининг қотиш кинетикаси цемент-қум аралашмасининг қотиш кинетикасидан сезиларли фарқ қилиши ва мустаҳкамлиги 15-25 МПа тенглиги ва 1 сутка давомида эса 20-35 МПа га этиши аниқланди.

Реологик хусусиятларни ўрганиш натижаларига кўра, елимлаш аралашма таркибига киритилган гидратланган оҳак  $\text{Ca}(\text{OH})_2$  аралашманинг пластиклигини яхшилайди, киришиш деформациясини камайтиради, сув тутиб туриш қобилиятини ва аралашманинг қайта ишлаш вақтини оширирди.

Тадқиқот ишида ёпишиш (адгезион) мустаҳкамлигини, сувга чидамлилигини ошириш ва аралашмани тайёрлаш ҳамда қўллаш технологиясини яхшилаш учун цемент таркибига сувда эрувчан полимер кукун-(РПП) «ELOTEX Seal 74» дан фойдаланилди. Цемент массасининг 1,2–1,5% миқдорида қўлланган қайта дисперсланадиган полимер кукуни ёпишиш (адгезион) мустаҳкамлигини сезиларли даражада ошириши аниқланган. Тадқиқот натижалари 5-расмда кўрсатилган.



**5-расм. Қайта дисперсланадиган полимер кукунининг (РПП) «ELOTEX» кам сув талаб қилувчи цемент-полимер асосида елимлаш аралашмасининг вертикал юза билан ёпишиш (адгезион) мустаҳкамлигига таъсири**

4-жадвал

**Кам сув талаб қилувчи цемент-полимер асосидаги керамик плиткаларни териш учун елимлаш аралашмасининг технологик ва эксплуататсион хусусиятлари**


№	Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	Кўрсаткичнинг қиймати		
			Ишлаб чиқилган таркиб	Эталон таркиб (ГОСТ)	Grab Super (корхонаники)

1	Ўртача зичлиг	кг/м <sup>3</sup>	1600	1870	1650
2	Аралаштириш вақти	мин	3	5	5
3	Аралаштиргич хажми	м <sup>3</sup>	2	2	2
4	Тузатиш вақти	мин	20	30	30
5	Очиқ идишларда сақланғанда умбрөқийлиги	мин	100	130	110
6	Тавсия этиладиган бир қатлам қалинлиғи	мм	3-6	10 гача	5-8
7	5 мм қалинликда сурىлғанда маҳсулот сарфи	кг/м <sup>2</sup>	3,2	3,4	3,6
8	Сув тутиб туриш қобилияты	%	97,8-98,5	95,0-97,0	96,0-97,0
9	Плитканнинг силжиши, ортиқ эмас	мм	0,2	0,5	0,3
10	Юзага ёпишиш мустаҳкамлиги (адгезия): - Нормал шароитда сақланғанда -Сувли мұхитда сақланғанда	МПа МПа	Ортиқ 1,4 Ортиқ 1,1	0,85 0,67	0,93 0,72

Кам сув талаб қилиши туфайли, бир хил сарф миқдорида цемент хамирининг хажми оддий портландцемент хамирига нисбатан анча паст бўлди. Бу эса цемент тоши, майда ва йирик тўлдирувчилар орасидаги бўшлиқларни тўлдиришни таъминламаслиги мумкин, натижада материалнинг зичлиги ва мустаҳкамлиги камайиши муқаррар.

Кам сув талаб қилувчи цемент-полимер асосидаги композицион аралашманинг шаклланиш хусусиятлари, тинч ҳолатда юқори ёпишқоқлик ва механик таъсир остида сезиларли характчанлик эгалиги билан ажралиб туради, бу эса уларнинг юқори даражада зичлашиши ва шакллантириш жараёнида кам энергия сарфини таъминлайди.

Диссертациянинг “Керамик плиткаларни териш учун ишлаб чиқилган елимлаш аралашмасининг амалий ва иқтисодий жиҳатлари” деб номланган тўртинчи бобида, керамик, мармар плиткалар ва иссиқлик изоляция материалларини териш учун кам сув талаб қилувчи цемент-полимер асосида елимлаш аралашмасини ишлаб чиқаришнинг технологик схемаси ва иқтисодий самарадорлиги бўйича натижалар келтирилган. Керамик ва иссиқлик изолция плиткаларини териш учун кам сув талаб қилувчи цемент-полимер асосидаги елимлаш аралашмасини ишлаб чиқаришнинг технологик схемаси б-расмда кўрсатилган.



1 – кам сув талаб қилувчи цемент-полимер учун бункер; 2 – кварц қуми учун бункер; 3 – микрокальцит учун бункер; 4 – сўндирилган оҳак учун бункер; 5, 10 – дозаторлар; 6 – винтли транспортёр; 7, 8, 9 – модификацияловчи қўшимчалар учун бункер;

11 – аралаштиргич; 12 – қадоқлаш аппарати

## **6-расм. Керамик плиткалар учун кам сув талаб қилувчи цемент-полимер асосида елимлаш аралашмасини ишлаб чиқариш технологик схемаси**

Керамик, мармар ва иссиқлик изолятсия плиткаларини териш учун маҳаллий хом ашё ва иккиламчи техноген маҳсулот асосида тайёрланган елимлаш аралашмаларининг тажриба-саноат синовлари Жиззах политехника институти қошидаги «Курилиш материалларини синаш лабораторияси»да ўтказилди ва Самарқанд вилояти Жомбой тумани «BMAX BUILDING MATERIALS» МЧЖ ҚҚда жорий этилди. Тажриба-саноат синовларида кам сув талаб қилувчан цемент, кварц қуми, микрокальцит, сўндирилган оҳак ва ёпишқоқлик (адгезион) хусусиятларини ошириш учун сувда эрувчан полимерлар (сувда эрувчан полимер кукуни — (РПП), «ELOTEX SEAL 74» (Elotex)) қўлланилди.

Тажриба-саноат синовлари давомида керамик, мармар плиткалар ва иссиқлик изоляция материалларини териш учун 2 тонна композицион кам сув талаб қилувчи цемент-полимер асосида цемент-полимер елимлаш аралашмаси олинди. Олинган материалларнинг физик-механик ва қурилиш-техник хусусиятлари ГОСТ 31357-2007 га мувофиқ аниқланди. Тажриба синов натижалари шуни кўрсатдик, ҳажмий оғирлиги (зичлик) 1250–1350 кг/м<sup>3</sup> бўлган материаллар бир хил аралашмадан иборат бўлиб, механик қўшимчаларсизdir. Намлиги 1,5% бўлган қотган аралашмалар зичлиги 1350 дан 1450 кг/м<sup>3</sup> гача бўлди. Аралашмани тайёрлаш учун С/К нисбати 0,32 ни ташкил этди. Олинган натижалар 5-жадвалда келтирилган.

5-жадвал

### **Керамик плиткаларни териш учун цемент-полимер елимлаш қуруқ аралашмасининг қурилиш-техник хусусиятлари**

№	Кўрсаткичлар номланиши	Кўрсаткичлар қиймати	
		ГОСТ га мувофиқ 31357-2007	Аслида
<b>Қуруқ аралашма</b>			
1	Ранги	Оқ, кулранг	Кулранг
2	Намлиқ, %	дан ортиқмас 0,20	0,15
3	Елақда қолган катта тўлдирувчилар, (0,63 элақда қолган миқдори), %	дан ортиқмас 0,50	0,42
<b>Сув билан аралаштирилган аралашма</b>			
4	Ташқи тузилиши	Bir xil tarkibli, mexanik harakatsiz	Bir xil tarkibli, mexanik harakat
5	Харкатчанлиги, см	дан 8 гача 12	9,2
6	Суришга қулайлиги	шпателга ёпишмайди	шпателга ёпишмайди
7	Вертикал юзада оқиши	руксат этилмайди	оқмайди

8	Сув ушлаш (тутиб қолиши) қобилияты, %	дан кам эмас мене 90,0	98,5
9	(20±5) °C, соатда қотиш вақти	дан ортиқ эмас 2,0	1,5
<b>Қотган аралашма</b>			
10	1 кундан сўнг юзага ёпишқоқлик мустаҳкамлиги, МПа	дан кам эмас 0,2	0,54
11	3 кундан сўнг юзага ёпишқоқлик мустаҳкамлиги, МПа	дан кам эмас 0,35	0,75
12	7 кундан сўнг юзага ёпишқоқлик мустаҳкамлиги, МПа	дан кам эмас 0,46	0,91
13	28 кундан сўнг юзага ёпишқоқлик мустаҳкамлиги, МПа	0,85	1,5

Ўтказилган экспериментал тадқиқотлар натижасида керамик плиткаларни ётқизиш учун цемент-полимер елимлаш аралашмасини ишлаб чиқариш технологик схемаси ишлаб чиқилди (4-расм). Керамик плиткалар учун цемент-полимер елимлаш аралашмасини ишлаб чиқариш бўйича технологик регламент ишлаб чиқилди (ТИ 224-01-2024) ва қурилиш саноати корхоналарида жорий этиш учун тавсия этилди.

Ўтказилган технологик тадқиқотлар шуни кўрсатдики, аралашмалар 6 мм гача бўлган қалинликда вертикал юзага яхши суртилди, ва вертикал юзадан оқиб тушиши кузатилмади. Ёпишиш мустаҳкамлиги бир суткадан кейин 0,54 МПа, 28 суткадан кейин эса 1,65 МПа ни ташкил этди. Сув тутиб туриш қобилияти 98,5% ни ташкил этиб,  $20 \pm 5^{\circ}\text{C}$  ҳароратда қуриш вақти 60-120 дақиқани ташкил этди.

6-жадвал

### Керамик плиталар учун цементли-полимер елимлаш аралашмаларининг оптимал таркиби учун иқтисодий самарадорлик кўрсаткичи

№	Материал	1 тн, учун хомашё сарфи, кг	1 кг, хом- ашё нархи, (сўм)	Жами
1	Кам сув талаб қилувчи цемент-полимер	320	800	280000
2	Кварц қуми (донадорлиги 0,1-0,63 мм)	500	200	150000
3	Сўндирилган оҳак (пушонка)	40	750	22500
4	Микрокальцит	135	300	34500
5	Эфир целлюлоза-МГЭЦ Walocel 45/10	3,50	75000	90000
6	Сувда эрувчан полимер кукун-(РПП) «ELOTEX Seal 74»	1,5	105000	399 000
Жами:		25 кг	23838	953500

Оптимал таркиб асосида ишлаб чиқилган маҳсулотнинг 1 тоннасини тан нархи 953 500 сўмни ташкил этди. Бу эса амалдаги ишлаб чиқарилаётган елимлаш аралашмаларига нисбатан 206 000 сўм иқтисодий самарадорликга эга бўлди.

### ХУЛОСА

1. Кам сув талаб қилувчи цемент таркибига модификацияловчи қўшимчалар киритилганда боғловчи ва тўлдирувчи сирт юзасида майда дисперс заррачаларнинг адсорбцияланиши ва цементнинг гидратли бирикмалари кристаллари билан боғланиши аниқланди.

2. Кўшилган майда дисперсли қўшимчалар қоришма аралашмасидаги бўшлиқларни тўлдиришни ва цемент-полимер қоришмаларининг пластиклигини оширишни таъминлаши аниқланди.

3. Керамик плиткаларни елимлаш учун юқори физик-механик ва технологик хоссаларга эга бўлган елим аралашмасининг оптимал таркиби ишлаб чиқилди.

4. Механик фаоллаштириш жараёни карбонатли компонент заррачаларининг қисман парчаланишини таъминлаши, кальций карбонатнинг дисперслигини ошириши ва гидратация жараёнига ижобий таъсир кўрсатиши аниқланди.

5. Таркибida 25-30% майда дисперсли минерал тўлдирувчи ва 0,5-0,75% органик қўшимчалар бўлган цемент асосидаги елимловчи қоришмалар нисбатан зичроқ тузилишга эга бўлиши ва вертикал сирт юзалари билан юқори даражада мустаҳкам ёпишишини таъминлаши асосланди.

6. Пардозлаш учун мўлжалланган цемент-полимер елимловчи аралашмаларини ишлаб чиқаришнинг технологик схемаси ишлаб чиқилди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.03/30.12.2019.К/Т.03.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ  
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ГОСУДАРСТВЕННОГО УЧРЕЖДЕНИЯ «ФАН  
ВА ТАРАККИЁТ» ТАШКЕНТСКОГО ГОСУДАРСТВЕННОГО  
ТЕХНИЧЕСКОГО  
УНИВЕРСИТЕТА имени ИСЛАМА КАРИМОВА**  
**ГОСУДАРСТВЕННОЕ УЧРЕЖДЕНИЯ  
«ФАН ВА ТАРАККИЁТ»**  
**ТАШКЕНТСКОГО ГОСУДАРСТВЕННОГО ТЕХНИЧЕСКОГО  
УНИВЕРСИТЕТА имени ИСЛАМА КАРИМОВА**

---

**КУРБАНОВ ЗАВКИДДИНЖАН ХАМИДУЛЛОЕВИЧ**

**РАЗРАБОТКА СОСТАВА КОМПОЗИЦИОННЫХ КЛЕЕВЫХ СМЕСЕЙ ДЛЯ  
УКЛАДКИ КЕРАМИЧЕСКИХ ПЛИТ НА ОСНОВЕ ЦЕМЕНТА С  
ИСПОЛЬЗОВАНИЕМ ВОДОРАСТВОРИМЫХ ПОЛИМЕРОВ**

**02.00.07-Химия и технология композиционных, лакокрасочных и резиновых  
материалов (технические науки)**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)  
ПО ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

**Ташкент – 2025**

**Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Министерстве высшего образования, науки и инновации Республики Узбекистан под номером B2024.1.PhD/T\_\_\_\_\_.**

Диссертация выполнена в Государственном унитарном предприятии «Фан ва тараккиёт» Ташкентского государственного технического университета имени Ислама Каримова.

Автореферат диссертации размещен на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) на веб-странице Научного совета по адресу [www.gupft.uz](http://www.gupft.uz) и Информационно-образовательном портале «Ziyonet» по адресу [www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz).

**Научный руководитель:**

**Талипов Нигматулла Хамидович**  
доктор технических наук, профессор

**Официальные оппоненты:**

**Юлчиева Сурайё Бахромовна**  
доктор технических наук, с.н.с.  
**Негматова Комила Сайибжановна**  
доктор технических наук, профессор

**Ведущая организация:**

**Ташкентский химико-технологический институт**

Защита диссертации состоится «\_\_» \_\_\_\_ 2025 года в 14<sup>30</sup> часов на заседании Научного совета DSc.03/30.12.2019.K/T.03.01 при ГУП «Фан ва тараккиёт» Ташкентского государственного технического университета имени Ислама Каримова (Адрес: 100174, г. Ташкент, ул. Мирзо Галиба 7а. тел.: (99871) 246-39-28; факс: (99871) 227-12-73; e-mail: fan va [taraqqiyot@mail.ru](mailto:taraqqiyot@mail.ru), на здание «Фан ва тараккиёт» ГУП, 2 этаж, зал конференций).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре ГУП «Фан ва тараккиёт» (Зарегистрированный номером №2-24). (Адрес: 100174, г. Ташкент, ул. Мирзо Галиба, 7а. Тел. (99871) 246-39-28, факс: (+99871) 227-12-73).

Автореферат диссертации разослан «\_\_» \_\_\_\_ 2025 года.  
(протокол реестра №2-24 от \_\_ \_\_\_\_ 2025 г.).

**С.С.Негматов**

Председатель научного совета по присуждению  
учёных степеней, академик АН РУз

**М.Э.Икрамова**

Ученый секретарь научного совета по присуждению  
учёных степеней, д.т.н., с.н.с.

**А.М.Эминов**

Председатель научного семинара при научном  
совете по присуждению ученых степеней, д.т.н., профессор

## **ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))**

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** Во всём мире с каждым днём растёт потребность в доступных и качественных строительных материалах. В настоящее время для облицовки наружных и внутренних стен зданий и сооружений плиткой применяются клеевые составы на основе цементного вяжущего с добавлением модифицирующих добавок. Для улучшения технологических и эксплуатационных свойств покрытия, предназначенного для укладки керамической плитки, в состав сухой смеси вводятся специальные добавки, способствующие ускорению процесса отверждения и повышению устойчивости к сползанию.

В настоящее время большинство модифицирующих добавок для сухих смесей импортируются из-за рубежа, что делает производство сухих строительных смесей зависимым от внешних поставщиков и приводит к увеличению себестоимости продукции.

В мире активно ведутся научно-исследовательские работы по созданию новых методов и современных технологий разработки и производства новых составов клеевых смесей на основе модифицированных цементно-полимерных систем с низким водопотреблением, обладающих комплексными свойствами, отвечающими всем требованиям, и предназначенных для облицовки зданий и сооружений керамической плиткой. В частности, важное значение приобретает использование новых видов полимеров для производства высококачественных цементно-полимерных клеевых композиций с низким водопотреблением, а также исследование оптимального состава композиций, их физико-механических и технологических свойств, механизма взаимодействия с внешними факторами с целью повышения адгезионной прочности клеевых растворов.

В нашей республике производство и применение строительных материалов охватывает широкий спектр, что позволяет практически полностью удовлетворить потребности строительной отрасли. Около 40% производимых строительных материалов приходится на долю клеевых смесей. В связи с этим многочисленные исследования, проводимые как в нашей стране, так и за рубежом, направлены на совершенствование состава и технологии производства строительных материалов. Учитывая достаточно глубокие исследования влияния рецептурных и технологических факторов на свойства строительных материалов, добиться новых технических достижений в данной области возможно за счёт более полного использования потенциала минеральных вяжущих веществ, в частности, быстроотверждающихся и не подверженных усадке разновидностей.

Таким образом, при разработке рецептуру цементно-полимерных клеевых отделочных смесей на основе цемента с низкой водопотребностью позволит ускорению процесса твердения и повысит эксплуатационные свойства цементно-полимерные растворных смесей и снимет зависимость отечественных производителей сухих смесей от применения ускорителей импортных добавок.

<sup>1</sup>Указ Президента Республики Узбекистан от 28 января 2022 года № ПФ 60 «О Стратегии развития нового Узбекистана на 2022-2026 годы»

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач предусмотренных в Постановлениях Президента Республики Узбекистан ПП -3696 от 4 мая 2018 года «О дополнительных мерах по стабильному обеспечению внутреннего рынка строительными материалами, ПП – 4198 от 20 февраля 2019 года «О мерах по коренному совершенствованию и комплексному развитию промышленности строительных материалов», ПП № 4335 от 23 мая 2019 года «О дополнительных мерах по ускорению развитию промышленности строительных материалов», а также в других нормативно-правовых документах, принятых в данной сфере.

**Соответствие исследования основным приоритетным направлениям развития науки и технологий республики.** Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий республики VII «Химическая технология и нанотехнологии».

**Степень изученности проблемы.** В области исследований по разработке клеевых ССС на цементной основе для проведения облицовочных работ посвящены многочисленные работы отечественных и зарубежных ученых.

